

МАЪНАВИЙ ЗАИФЛИК – маънавий ҳаёт ҳодисаси, жамият, давлат ёки халқнинг маънавий масалаларда уюшмагани, маъ-ятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ижтимоий -ғоявий ожизлик ҳолати. М.з. халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган миллий ғоянинг, илмий асосда ташкил этилган, пухта ўйланган ва мунтазам олиб бориладиган маънавий тарбия тизимининг яратилмагани ёки ижтимоий ҳаётда амалий ифода топмагани натижасида ҳосил бўлади. Моддий ва маънавий заифлик ўзаро алоқадор т.лар бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. М.з. кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келиб, ҳатто жамият ёки давлатнинг инқирозига сабаб бўлади. М.з. миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Мас., Чингизхон босқини, чор Россияси истилоси, большевиклар босқини даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этолмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Бундай қарамлик нисбатан маънавий жиҳатдан эзилган ўлкамиз халқини янада заифлаштиришга хизмат қилди. Айниқса, ўлкамизнинг уч хонликка бўлиниб, яхлит давлатчилик анъаналарининг парчаланиши натижасида халқимиз моддий парокандаликка юз тутдики, ушбу салбий омил жамиятнинг маънавий заифлигини вужудга келтиришда туртки бўлди. Тўғри, чор Россияси истилоси шароитида жамият маъ-ятидаги заифликларни маърифат ва зиё тарқатиш орқали бартараф этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган жадид-маърифатпарварларимиз мактаб ва мадрасалар очишга интилдилар. Лекин, бир неча а.лик бўлинишлар, сиёсий-ҳарбий истилолар натижасида умумжамият миқёсида ҳукм сураётган М.з.ни бирданига таг-томири билан қўпориб ташлашга мавжуд маънавий муҳит ҳам имкон бермасди. Собик мустабид тузум шароитида ҳам миллий маъ-ят ва қадриятлар четга суриб қўйилиб, коммунистик мафкура ривожига хизмат қилувчи умумий маъ-ят концепцияси ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётда тарғиб этила бошланди. Ушбу жиҳат кишиларда эътиқодсизлик, миллий қадриятлардан воз кечиш, миллий тил, урф-о. ва маросимларни менсимаслик каби иллатларни авж олдириб, М.з.нинг ўзига хос кўринишлари сифатида намоён бўлди. Собик тоталитар тузум шароитида жамиятда маънавий заиф халқаларни кенгайтириш мақсадида миллий тиллар имкониятлари чекланди, улар «коммунистик андозаларга номувофиқ тил» сифатида камситилди. Ушбу салбий жиҳатлар миллий маъ-ят ва тафаккурни заифлаштириш учун сунъий равишда қилинаётган ҳақаратлар эди. Демократия шабадалари насими эса бошлаган 80-йиллар охирида ўзбек тилига ҳам давлат тили (1989 йил 21 октябрь) мақоми берилдики, бундан мақсад миллий тилимизнинг софлигини сақлаган ҳолда халқимизнинг маъ-ятини кўтариш эди. Шу боис, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, мам-тимизда халқ маъ-ятини юксалтириш борасида қатор ишлар қилинаётгани, бир томондан, собик тоталитар тузум шароитида жамият тафаккурида шаклланган М.з. жиҳатларини миллий менталитетга хос бўлган маън-й-ахлоқий жиҳатлар

билан тўлдириш бўлса, иккинчи томондан, онги ва дунёқараши эндиgina шаклланаётган ёшларда М.з.ка йўл бермасдан ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги қувонарлидир. Ўз-н халқининг ҳаётбахш ва адолатли ғояларга таянган юксак маъ-яти тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли б-н, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда М.з.ка барҳам берадиган қудратли куч сифатида намоён бўлади.